Ташева Гулчехра Суляймановна – Ph.D.
Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)

ПРЕМОРБИД ФОН БОЛАЛАРДА ОДОНТОГЕН ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИДА ГИСТОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Аннотация. *Ушбу мақолада преморбид фон болаларда одонтоген яллиғланиш касалликларида гистокимёвий ўзгаришларни аниқлашда болаларда юз-жағ соҳасининг ўткир яллиғланиш жараёнлари кўпинча тананинг иммунологик реактивлиги пасайиши билан ривожланади ва касалликнинг кечиши ҳамда асоратлар эҳтимоли асосан иммун тизимининг дастлабки кўрсаткичлари ўзгариши билан белгиланиши ўрганилган. Одонтоген яллиғланиш касалликлари билан касалланган болаларда аъзо ва тўқималар нисбий етуклиги, иммунитетнинг номукаммаллиги, лимфа тўқималарнинг тўлиқ шаклланмаганлиги, тиш ва жағлар тузилишининг анатомик-физиологик хусусиятларидаги ўзгаришлар аниқланган.*

Калит сўзлар. *преморбид фон, болаларда одонтоген яллиғланиш касалликлари, гистокимёвий ўзгаришлар, тиш ва жағлар тузилишининг анатомик-физиологик хусусиятлари.*

Ташева Гулчехра Суляймановна – Ph.D.
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

ГИСТОХИМИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПРИ ДОРЕАКТИВНОМ ФОНЕ ОДОНТОГЕННЫХ ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ

Аннотация. *В этой статье преморбидный фон при одонтогенных воспалительных заболеваниях у детей острое воспаление челюстно-лицевой области у детей при обнаружении гистохимических изменений, определяются ли изменения показателей. У детей с одонтогенными воспалительными заболеваниями выявляются относительная зрелость органов и тканей, несовершенство иммунитета, неполное формирование лимфатических тканей, изменения анатомо-физиологических особенностей строения зубов и челюстей.*

Ключевые слова. *преморбидный фон, одонтогенные воспалительные заболевания у детей, гистохимические изменения, анатомо-физиологические особенности строения зубов и челюстей.*

Tasheva Gulchekhra Sulyaymanovna – Ph.D.
Bukhara state Medical University (Bukhara, Uzbekistan)

HISTOCHEMICAL CHANGES IN THE PRE-REACTIVE BACKGROUND OF ODONTOGENIC INFLAMMATORY DISEASES IN CHILDREN

Abstract. *In this article, the premorbid background in odontogenic inflammatory diseases in children acute inflammation of the maxillofacial region in children when histochemical changes are detected, it was studied whether changes in indicators are detected. In children with odontogenic inflammatory diseases, the relative maturity of organs and tissues, imperfect immunity, incomplete formation of lymphatic tissues, changes in the anatomical and physiological features of the structure of teeth and jaws are revealed.*

Keywords. *premorbid background, odontogenic inflammatory diseases in children, histochemical changes, anatomical and physiological features of the structure of teeth and jaws.*

Тадқиқотнинг долзарблиги. Сўнгги 15-20 йил давомида МДҲ давлатларида турли даражадаги одонтоген йирингли-яллиғланиш касалликларининг (ЙЯК) профилактикаси тадбирларида антибактериал воситаларни самарали қўллаш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Йирингли инфекцияга қарши курашишнинг янги усулларини ишлаб чиқишга қарамай, яллиғланиш касалликлари билан оғриган болалар сони, айниқса тез-тез касал бўладиган болаларда юқорилигича қолмоқда. Юз-жағ соҳасининг яллиғланиш касалликлари болалик давридаги барча жарроҳлик касалликларининг 21% ва тиш касалликларининг 52% ини ташкил қилади. Одонтоген ЙЯК этиологияси, патогенези, олдини олиш ва юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш жараёнларини даволаш каби кўплаб масалаларга тадқиқотчилар эътибори қаратилган [2.4.6.8.10.12.14.16]. Шунингдек, болаларда юз-жағ соҳасининг ўткир яллиғланиш жараёнлари кўпинча тананинг иммунологик реактивлиги пасайиши билан ривожланади ва касалликнинг кечиши ҳамда асоратлар эҳтимоли асосан иммун тизимининг дастлабки кўрсаткичлари ўзгариши билан белгиланади. Одонтоген яллиғланиш касалликлари

билан касалланган болаларда аъзо ва тўқималар нисбий етуклиги, иммунитетнинг номукаммаллиги, лимфа тўқималарнинг тўлиқ шаклланмаганлиги, тиш ва жағлар тузилишининг анатомик-физиологик хусусиятлари мавжудлиги, шикастланиш ва унинг асоратларига мойиллиги сабабли яллиғланиш жараёнларининг кескин ўзгариши кузатилади.

Кўплаб эпидемиологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ҳар бир бола йилига ўртача 3-5 та ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ)

билан касалланиш тенденцияси аниқланган. ЎРВИ нинг кўп тарқалиши мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич мактаб ўқувчиларида кузатилган. Ҳаётнинг дастлабки 3 йилидаги болалар бир йил ичида 4-4,5 ёш ва ундан катта болаларга қараганда 10 марта тез юқумли касалликлар билан касалланади. Асоратли респиратор инфекциялар тана функционал ҳолати бузилишига олиб келган, мослашувнинг бузилиши ва сурункали патология ривожланиши кузатилади.

Болалардаги асоратли инфекцияларга кўпинча вируслар, *Chlamydia spp* ва *Mycoplasma spp*, *Haemophilus influenzae, Streptococcus pneumoniae, Streptococcus pyogenes, Staphylococcus aureus, Moraxella spp* олиб келади (Ключников С.О. ва ҳаммуал., 2017).

Иммун тизими фаолияти пастлиги, метаболик касалликлар, оғриқ сезувчанлигининг пасайиши клиник кўриниш ва кўплаб жарроҳлик касалликларининг боришини ўзгартиради, бу жиддий диагностик хатоларга олиб келиши ва жарроҳлик патологияси натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Преморбид фонли, тез-тез касал бўлган болаларда одонтоген ЙЯК ва уларнинг асоратлари аниқ микроциркуляцион бузилишлар, микротромблар, дистрофик ва некротик жараёнларнинг мавжудлиги, яллиғланиш компонентининг репаративдан устунлиги, ҳужайралар пролиферациясини ҳосил қилиш, лейкоцитлар фагоцитик фаоллигини ҳосил қилиш, тўлиқ бўлмаган фагоцитоз, юқори даражадаги микроциркуляцион касалликлар билан тавсифланадиган хусусиятларга эга тўқималар микробиологик зарарланиши, умумий ва маҳаллий иммун реактивлик пасайиши ҳақида хулоса қилинган [1.3.5.7.9.11.13.15.17].

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатганки, одонтоген ЙЯК билан хасталанган болаларда жағ периостити, абсцесс ва флегмона, одонтоген остеомиелитнинг тарқалиши, клиник кўриниши, этиопатогенези, даволаш усуллари, профилактик чора тадбирлари бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Стоматологик касалликлар орасида одонтоген ЙЯК билан мурожаат қилганлар сони умумий мурожатларнинг 10-11% ини ташкил қилган, бу кариес ва унинг асоратларидан кейинги 2-ўринни эгаллаши келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади. преморбид фон болаларда одонтоген яллиғланиш касалликларида гистокимёвий ўзгаришларни ўрганиш.

Тадқиқот объекти. сифатида 2021-2025 йиллар давомида Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар юз-жағ хирургияси бўлимида одонтоген яллиғланиш касаллиги даволанган 3 ёшликдан 17 ёшгача бўлган 239 нафар бемор болалар текшириш ва даволаш маълумотларини ўз ичига олади.

Натижа ва таҳлиллар. Текшириш учун биоматериал сифатида одонтоген яллиғланиш соҳасидан интраоперацион, ҳамда даволашнинг 3-5 кунлари жарохат сохасидан биоматериал намуналари олинди, тўқима 10% буферли формалин билан 24 соат давомида фиксацияланди. Германияда ишлаб чиқилган STP120, ThermoFisher карусел процессорида тўқима айлантирилиб, шундан кейин намуналар парафин мумига жойлаштирилди. HM 325 ротацион микротомида (TFS, АҚШ) қалинлиги 3-4 микрон бўлакча-кесмаларимлар олинган. Бўлакча-кесмаларларни гематоксилин-эозин билан бўяш учун серияли бўлакча-кесмалар сувсизлантирилди ва парафиндан тозаланди. Шундан сўнг, улар Эрлих гематоксилин эритмасида 2-5 дақиқа ушлаб турилди. Бўлакча-кесмалар дистилланган сувда ювилди, сўнгра Carl Zeiss (Германия) фирмаси Axio Lab.A1 микроскопи ёрдамида гистологик текширув ўтказилди. Агар ядролар қизғиш қизил-бинафша ранга эга бўлса, ядро ичида нуклеоллар ва хроматин бўлаклари яхши кўринса, цитоплазма эса бўялмаган бўлса, ранглаш қониқарли деб ҳисобланади. Гематоксилин билан бўялган ва сув билан ювилган препаратлар дистилланган сувга 3-5 дақиқа давомида ўтказилди. Ҳужайралар цитоплазмасини бўяш учун бўлакча-кесмалар 0,5-2 дақиқа давомида эозин эритмасига жойлаштирилди. Агар препарат бир хил сарғиш-пушти рангга эга бўлса, ранг бериш муваффақиятли деб ҳисобланади, унга қарши кўк рангли ядролар аниқ кўринади. Эозин эритмасида бўялганидан сўнг, бўлакча-кесмалар дистилланган сувда ювилиб, спирт билан сувсизлантирилган, ксилолда тиниқлантирилган ва консервант муҳитга ўтказилади.

ИГК тадқиқотлар 3 та намунада ўтказилди. Қалинлиги 3 микрон бўлган серияли бўлакча-кесмалар Roche, Швейцария ихтисослаштирилган автоматлаштирилган Ventana Benchmark тизими ёрдамида сувсизланган, тозаланган ва антигенлер билан бўялган.

Тадқиқот СД45 ва СД56 антитаналари билан ўтказилди. СД45 иммунитет тизимини тартибга солиш ва фаоллаштиришда иштирок этадиган ядроли гематопоэтик ҳужайралар ҳужайра юзасининг ҳамма жойда жойлашган белгисидир.

Иммуногистокимёвий СД56 маркери тўқималарда NK-ҳужайра (Natural Killer cells) ларини – киллерларни аниқлашда қўлланилади. CD56 ҳужайра юзасидаги маркер ҳисобланиб, у бошқа турдаги лимфоцитлар, жумладан Т-лимфоцитлардан фарқлаш учун қўлланилади.

Хулоса. Шундай қилиб, CD56 маркери тўқималарда NK-ҳужайраларини идентификация қилиш ва ўрганиш учун муҳим иммуногистокимёвий текшириш усули бўлиб, ушбу усул ёрдамида жароҳатдаги кечадиган жараёнларни тушиниш ва ташхислаш учун муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Kamalova F.R., Tasheva G.S. Chabges in microflora non-specific factors protection of the oral cavity in children with inflammatory diseases of maxillofacial area // Evropean chemical Bulletin. – 2023. – № 12(Special Issue 1). – С.1827-1831. (Scopus).
2. Tasheva G.S. Treatment of odontogenic inflammatory diseases in frequently ill children // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2, № 07. – С.178-184. (Web of Science).
3. Камалова Ф.Р., Ташева Г.С. Одонтоген йирингли-яллиғланиш касалликлари асоратларининг ёшга боғлиқ кўрсаткичлари // Тиббиётда янги кун. – Бухоро, 2023. – № 2(52). – С. 7-15. (14.00.00; №22).
4. Ташева Г. С. Одонтоген яллиғланиш билан касалланган болаларни комплекс даволаш усуллари // Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. – 2023. – Том 4, № 2. – С. 71-74. (14.00.00; №53).
5. Ташева Г. С. Тез-Тез одонтген яллигланиш касалликлари билан касалланган болаларда бактериологик даволаш усуллари // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2023. – № 2. – С. 73-77. (14.00. 00; №8).
6. Tasheva G.S. The Effectiveness and Treatment of Odontogenic Inflammatory Diseases in Frequently Ill Children // International Journal of Human Computing Studies. – 2021. – Т. 3, № 5. – С.9-12. (Impact Factor - 7.69)
7. Tasheva G. S. Maxillofacial area and soft tissues of odontogenic inflammatory diseases in frequently ill children //Research Jet Journal of Analysis and Inventions. – 2021. – Т. 2, № 07. – С.126-130. (Impact Factor - 7.655)
8. Tasheva G.S. Features of the Course and Treatment of Odontogenic Inflammatory Diseases in Frequently Ill Children // Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – № 14. – С.101-105 (Impact Factor - 7.525)
9. Tasheva G.S. Modern features etiopathogenesis and clinic of purulent-Inflammatory diseases of the maxillofacial region // European journal of life safety and stability. – 2021. – № 12. – С.464-469. (Impact Factor - 6.832)
10. Tasheva G.S. Early Diagnosis and Treatment of Odontogenic Inflammatory Diseases // Scholastic: Journal of Natural and Medical Education. – 2022. – Т. 1, С.18-23 (Impact Factor - 5.267)
11. Tasheva G. S. The Prevalence of Odontogenic Inflammatory Diseases in Frequently Ill Children //Central Asian Journal of Medical and Natural Science. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 56-59.
12. Tasheva G. S., Eronov Yo. Q. Features of the course and treatment of odontogenic Inflammatory diseases in frequently ill children // Journal of Tianjin University- Science and Technology. – 2021. – Т. 65. – №. 4. – С. 26-31.
13. Tasheva G. S. Prevalence of odontogenic diseases in frequently ill children //Conferencious Online Humino Congress 21-22 august. 2021. Paris. – 2021. – С.49-50.
14. Tasheva G. S. Odontogenic Inflammatory Diseases in Frequently Ill Children //International Conference on Social and Humanitarian Research 7-18th September, 2021, Poland. – С. 24-25.
15. Ташева Г. С. Гнойно-воспалительные заболевания челюстно-лицевой области у детей // IV Международной научно практической конференции «Организм и среда жизни» к 207-летию со дня рождения Карла Францевича Рулье. - Кемерово, 2021. – С. 378-384.
16. Ташева Г.С. Одонтоген яллиғланиш билан касалланган болаларни эрта ташхислаш ва комплекс даволаш усулларини такомиллаштириш. ЭҲМ учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги Гувоҳнома № DGU 20673 18.11.2022 й.
17. Иноятов А.Ш., Ташева Г.С. Одонтоген яллиғланиш билан касалланган болаларни комплекс даволаш усуллари // Услубий тавсиянома. – Бухоро, 2022. – 24 б.